

## Таҳоратда нечта фарз бор?

Image not found or type unknown



17:05 / 27.10.2019 49919

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир латталари бўлиб, таҳоратдан кейин артинар эдилар».**

*Икковини Термизий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Ҳадисдан таҳоратдан кейин сочиқ билан артиниш жоиз эканлиги келиб чиқади. Лекин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг артилмаган ҳоллари ҳам бўлган. Баъзи кишилар шу иккинчи ҳолатни олганлар. Умумий қилиб айтганда, иккиси ҳам бўлаверади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

الْكَعْبَيْنِ إِلَىٰ وَأَرْجُلَكُمْ بِرُءُوسِكُمْ وَأَمْسَحُوا الْمَرَافِقِ إِلَىٰ وَأَيْدِيَكُمْ وَجُوهَكُمْ فَأَغْسِلُوا الصَّلَاةَ إِلَىٰ قُمْتُمْ إِذَا ءَامَنُوا الَّذِي يَتَأَيَّهَا

**«Эй, иймон келтирганлар! Намозга турмоқчи бўлсаларингиз, юзларингизни ва қўлларингизни чиғаноқлари ила ювинглар. Бошларингизга масҳ тортинглар. Ва оёқларингизни тўпиқлари ила ювинглар»**, деган (Моида сураси, 6-оят).

**Шарҳ:** Таҳоратнинг фарзлиги мана шу ояти каримадан олинган. Ҳанафий мазҳаби уламолари таҳоратда тўртта фарз борлигини ҳам шу оятдан олганлар. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Юзни ювиш.
2. Қўлларни чиғаноқлари билан қўшиб ювиш.
3. Бошга масҳ тортиш.
4. Оёқларни тўпиқлари билан қўшиб ювиш.

Бизнинг тилимизда таҳорат деб ўрганиб қолинган маълум ва машҳур амал араб тилида «вузуъ» дейилади.

«Вузуъ» сўзи луғатда «гўзаллик» ва «ялтираш» маъноларини англатади.

Шариатда эса Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш нияти ила баъзи аъзоларни ювишга вузуъ дейилади.

Таҳорат энг аввало Аллоҳ таоло томонидан амр қилинган ибодатдир. У мусулмон инсоннинг гуноҳлари мағфират қилинишига сабаб бўлади. Таҳорат поклик демакдир. У инсонни гўзал қилади. Соғлом бўлишини таъминлайди ва яна бошқа кўплаб фойдалар келтиради.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**